

**№ СРIO-15778/AT-NET- СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

20~~22~~ йил “06” сеңағат

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан  
2020 йил 16 декабрдағы 45-01-07/777-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи  
Компанийнг “Сотув ва хизмат күрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги  
ўринларда – Оператор) бир томондан ва “Ўзбекистан Республикаси Молия вазириллиги хузуридаги бюджет-  
солик тадқиқотлар институти” номидан Устав (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик  
тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи дирекция  
М. Чечимов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда -  
Томонлар) телекоммуникация хизматлари күрсатилиши бўйича қўйидагилар хакида Абонент шартномасини  
(кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

### **1. Шартнома предмети**

#### **1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:**

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси  
Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг  
телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи  
бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини  
тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши  
тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга  
ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг  
шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг,  
Оператор Абонента идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент,  
Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки  
аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан  
танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан  
холда белгиланади.

### **2. Томонларнинг хуқук ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хуқук  
ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган  
хуқук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хуқук ва мажбуриятларига катъий риоя  
етилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### **3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (алоқа хизмати бундан  
мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбик этилади.

3.1.1. Алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга  
oshiриш (**Prepaid**) тизими шартлари татбик этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоиз** микдорида олдиндан  
тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённida  
Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий  
валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига  
олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан  
бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз ) фоиз** микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки  
аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида  
(Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат  
тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

**3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофик кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.**

Шартноманинг умумий миқдори 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача: 4 110 000,00 (Тўрт миллион бир юз ўн минг) сўмни ташкил этади. Ундан 1 370 000,00 (Бир миллион уч юз етмиш минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови. Шартнома миқдоридан ошиб кетган тақдирда, ортиқча миқдори хар ойда тўланади.

**3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.**

**3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хакини тўлайди.**

**3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.**

**3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.**

**3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.**

**3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фактат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.**

**3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик ҳар бир хизмат тури учун алохида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.**

**3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегиши тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.**

**3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календар ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.**

#### **4. Томонлар жавобгарлиги**

**4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).**

#### **5. Низоларни ҳалиш тартиби**

**5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик хамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув оркали ҳал килинади.**

**5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чикилади.**

#### **6. Алохида шартлар**

**6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибга болувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.**

**6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар кандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.**

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/зътироznома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпли билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (үн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равишда хабардор килинади.

## 7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20~~22~~ йил 31. декабря кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттиrsa ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20~~22~~ йил 31 десабрда кадар амал килади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганлиги ҳакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклиниг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календар кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, ҳакиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (хар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

### ОПЕРАТОР:

АК "Ўзбектелеком"

«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Манзил: Тошкент, шаҳар, А. Темур кўчаси 97 А.  
Тел: (99) 836-7600

Электрон почта: b2b@uztelecom.uz

Банк маълумотлари:  
хисоб раками: 2021 0000 5040 7483 8088

АТБ Алокабанк

МФО: 00401

СТИР: 203366731

ОКЕД: 61100

Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди  
ККС 326 030 013 817

Директор ўринbosари:

Хон А.Е.



### АБОНЕНТ:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
хузуридаги бюджет-солиқ тадқиқотлар институти»

Манзил: Тошкент, шаҳар, Дарҳонтепа кўчаси 7

Банк маълумотлари:

х/р: 23402000300100001010  
л/р 100010860262777015100238001

СТИР: 300978301

МФО: 00423

Банк номи: РКЦ Главного управления ЦБ РУз

Тел: 71 2391952

Абонент номидан:



М. Неманов

КМХК булим башлиги: Рахмадова Ш.Х.

З-бет. СРО-15778/AT-NET-сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ



"6" июн 2022 йилдаги № CPIO-15778/AT-NET -сонли абонент шартномаси

## Хизматлар

## 1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

## Ўлчов бирлиги Миллӣ валюта – сўм

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Микдори	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>				
1.1	Статик IP-манзилга уланганда рўйхатдан ўтиш учун бир марталик тўлов микдори	-	-	-
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>				
2.1	Интернет Unlim тариф режаси бўйича 60 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллӣ маълумотлар узатиш тармогига кириш ва Интернет тармогига 60 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган холда уланиш (b00004411773)	1 290 000,00	1	1 290 000,00
2.2	Статик IP-манзил /30	80 000,00	1	80 000,00
Жами (олдиндан тўлов)				1 470 000,00

Жами олдиндан тўлов микдори 1 370 000,00 (Бир миллион уч юз етмиш минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача: 4 110 000,00 (Тўрт миллион бир юз ўн минг) сўмни ташкил этади. Ундан 1 370 000,00 (Бир миллион уч юз етмиш минг) сўм микдорида ойлик абонент тўлови. Шартнома микдоридан ошибб кетган тақдирда, ортиқча микдори ҳар ойда тўланади.

"Ўзбектелеком" АК номидан:  
«Сотув ва хизмат кўреатиш маркази» филиали

Директор ўринbosари



Хон А.Е.

Абонент номидан:  
“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
хузуридаги бюджет-солик тадқиқотлар институти”

Абонент номидан:



М. Нематов

"6" июн 20 22 йилдаги № CPIO-15778/AT-NET -сонли абонент шартномаси

## Далолатнома

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва маҳсус уланиши синовдан ўтказиш  
телеқоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди  
"6" июн 20 22 йилдаги № CPIO-15778/AT-NET

№	Хизматлар рўйхати	Сана	Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси
1.	Интернет Unlim тариф режаси бўйича 60 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармогига кириш ва Интернет тармогига 60 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган холда уланиш (b00004411773)	« » 20 йил.	Бажарилди
2.	Статик IP-манзил /30 - 195.158.026.116/30	« » 20 йил.	Бажарилди

"Ўзбектелеком" АҚ номидан:  
«Сотув ва хизмат қўрсатиш маркази» филиали

Абонент номидан:  
“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
хузуридаги бюджет-солиқ тадқикотлар институти”

Директор ўринбосари



Хон А.Е.

Абонент номидан:

М. Назаров